

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Янгиургон туман Ободонлаштириш
бошкармаси бошлиғи



Б.Сотиволдиев

Техник топширик
БҮЮРТМАЧИ

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Махсулот номи	Янгиқўргон тумани Хакикат МФЙ жойлашган Киргизовул кучасини таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш
2	Буюртмачи	Янгиқўргон туман ободонлаштириш бошкармаси
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Янгиқўргон тумани Курик мфй
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил май – 2022 йил декабрь
6	Маблағ манзили	Бюджет
7	Алоҳида талаблар	<p>1 Корхона тугрисида тулик маълумот.</p> <p>2. Корхонани молиявий ахволи</p> <p>3. Давлат солик инспекциясидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумот</p> <p>3 Корхонанинг 3 йиллик фаолияти тугрисида батафсил маълумот.</p> <p>4. Техникалар тугрисида маълумот.</p> <p>5. Корхонанинг ишчи ходимлар буйича маълумот тақдим этилади, корхона таъсисчи ва раҳбарининг шахсий ИННси ва шахсий паспорт нухсаси</p>
8	Тўловлар шарти	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва Ф-2, Ф-3 счёт фактура асосида

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман
Ободонлаштириш бошкармаси



Б. Сотиволдинев

«_____» 2022й

БҮЮРТМАЧИ:

“Янгиқўрғон туман Ободонлаштириш бошкармаси”

Янгиқўрғон тумани Хакикат МФЙ жойлашган
Киргизовул кучасини таъмирлаш учун энг яхши
таклифни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон туман-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Янгиқўргон тумани Хакикат МФЙ жойлашган Киргизовул кучасини таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 339 805 825 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўргон туман Ободонлаштириш бошкармаси” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқўргон тумани, Амир Темур кўчаси 4 уй

Эл.адрес: _____

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги талаблар кўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.